

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
ВА ЎРТАМАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАТИШДА ЗАМОНАВИЙ
ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН
Фойдаланишнинг мақсад ва вазифалари
ҲАМДА ДОЛЗАРЪ УСУЛЛАРИ**

**мавзусидаги республика миқёсидаги онлайн
илмий-амалий анжумани материаллари**

ТЎПЛАМИ



БУХОРО – 2020

<i>Homidova S.</i> Fransuz tilida unlilar oppozitsiyasi.....	230
<i>Shakirov R., Nutfullayeva Z</i> Fransuz tilidagi eouter va ausculter fe'llari semantikasi.....	233

III-БЎЛИМ ҚИЁСИЙ ТИЛШУНОСЛИК

<i>Жўраева М.М.</i> Француз ва ўзбек тилларида «хохиш-истак» категориясининг ифодаланиши (эртаклар мисолида).....	236
<i>Jurayeva Malokhate.</i> L'expression des categories de modalite dans les contes français et ouzbeks.....	240
<i>Xodjayeva D.I., Xusenova M.O'.</i> Ingliz va o'zbek izohli lug'atlarida fonetik terminlarining qiyosiy leksikografik tahlili.....	242
<i>Tўраева Б.</i> “Асрни қаритган қун” ва “икки эшик ораси” романларида хронотоп муштараклиги.....	249
<i>Abdusalomov F. A.</i> The “order” genre and “power” discourse in uzbek and english political-legal documents.....	253
<i>Рузиева С.А.</i> Отражение концепта «семья» в английской и узбекской паремнологии.....	256
<i>Нусионов И.А.</i> Lug'aviy-qiyosiy tahlil: aforizmlar.....	259
<i>Yuldasheva F.F.</i> Analysis of the structure and functions of the English and uzbek phraseological units.....	262
<i>Hushmurodova Sh.Sh.</i> Lexical-morphological discordances of English and uzbek set phrases.....	266
<i>Samadova S., Tursunova M.A.</i> Synonymie der nebensätze und einfacher sätze im usbekischen und deutschen.....	269
<i>Mirsajeva M., Rajabova D.O'.</i> Die ausdrucksmöglichkeiten des subjekts im deutschen und usbekischen	273
<i>Hayotova D.Z.</i> Nemis va o'zbek tillarida heimat (vatan) konseptining milliy-madaniy xususiyatlari.....	275
<i>Jumayeva O.I., Najmiyev M.M.</i> Ingliz va o'zbek tilidagi baxt va baxtsizlikni ifodalovchi maqollar tahlili.....	278
<i>Kamolov I.</i> Muhammad Haydarmirzoning “tarixi rashidiy” asarida Zahiriddin Muhammad Bobur biografiyasiga oid ma'lumotlarning qiyosiy tahlili.....	281
<i>Жўраева М.М.</i> Элегия ва марсия муносабати.....	284
<i>Norova M.F.</i> Turizmga oid atamalar sohasidagi qiyosiy-chog'ishtirma tadqiqotlar.....	286
<i>Mirzakulova F.M.</i> O'zbek va ingliz tillarida ot so'z turkumidagi birlik va ko'plik shakllarinng klassifikatsiyasi.....	289
<i>Zakirova M.B.</i> Nemis va o'zbek xalqlari maqollarida ma'noviy o'xshashliklar.....	291

IV-БЎЛИМ ЛИНГВОДИДАКТИКА ВА ПЕДАГОГИКА

<i>Бушуй Т.А.</i> Педагогический взрыв на современном этапе.....	295
<i>Тоирова Д.Ф.</i> Разговорная речь как объект лингвистического исследования.....	300
<i>Тоирова Д.Ф.</i> Путь к реалистическому методу.....	303

Husaynmirzoniozodqildim”.⁹⁶ Demak Boburisyonchining qilmishidan qattiqdarg`aza bbo`lganiga qaramasdan, insoniylik nuqtainazaridan, qolaversa, xolasivaxolavachalarining hurmatiyuzasidan Muhammad

Husaynmirzonijazodanozodqiladi.

Ushbumasalaga Muhammad Haydarmirzo`zasaridatarixchiemas, birinchinavbatdofarzandsifatidamurojaatqiladi. U o`zotasidannuqsonizlamaydi, uningbukamchiligigaizohlarberishgahamdapadarinioqlaydiganasoslarkeltirishgahar akatqiladi. Isyonbostirilgach, yengilganotasivaBoburninguchrashuvini “TarixiRashidiy” damuallif “Boburnoma” danfarqliravishda quyidagichatasvirilaydi: “BoburPodshohotamniko`rgach, shosha-pisha, ilgarigirasm-odatgako`rata`zimqilibkelixursandbo`lib, kulib u bilanquchoqlashdi, mehribonlikbilansog`ligini, ahvoliniso`radi...U himmatvamuruvvatko`rsatib, ularbilansamimiysuhbatlashdivaqaysiyo`lmitanlashni: ketishadimi yoki u bilanqolishadimi, o`zlariningixtiyorlarigaqo`yibberdi”.⁹⁷ Demak, ushbumasalaga Muhammad Haydarmirzoavvalofarzandsifatidabahoberadi. Ammo Boburningotasigaqilganbumuruvvatini tan olib, o`zasaridaunga “U turligo`zalfazilatlar, maqtovgaloyiqsifatlargaegapodshohedi. Barchasifatlarichidashijoatvamuruvvatpes haligiustunkelardi”⁹⁸ deyata`rifberganibejizemas.

Xulosashuki, “Boburnoma” va “TarixiRashidiy” bir-birinito`ldiruvchi, yanadaravshanlantiruvchivahaqqoniytarixni, XV-XVI asrvoqealariniyaqqolko`rsatibberuvchiikkibuyukma`naviyxazinadir. Muhammad Haydarmirzovauning “TarixiRashidiy” kitobibo`lmaganigabalkiZahiriddin Muhammad Boburhayotivaijodigaoidayrimmuhimjihatlarni, Boburshaxsiyatigataalluqliba`zixususiyatlarnito`labilibolmaganbo`laredik.

ЭЛЕГИЯ ВА МАРСИЯ МУНОСАБАТИ

Мақсуда Жўраева, БухДУ магистранти

Жаҳон шеърятти тизимида элегия жанри алоҳида ўринган эга. Юнон адабиётидан ҳозирга қадар бу жанр ўзига хос бадий таракқиёт йўлини босиб ўтди. Маълумки, элегия фригияликлар тилида “қамишдан ясалган най”, ҳозирги маъносида кўпроқ фалсафий мазмундаги, қайғули ўйларни ифодаловчи шеър; мазмун жиҳатидан таснифланувчи жанр⁹⁹. “Элегия (*гр.* элегос – шикоят сўзидан) шеърний жанрлардан бири. Мелоддан олдинги VII асрда пайдо бўлган бўлиб, шеърнинг мазмунидан қатъий назар элегик байт усулида ёзилган шеърлар шу термин билан

⁹⁶Zahiriddin Muhammad Bobur. Boburnoma. Toshkent: “Sharq” nashriyoti, 2002. 151-b.

⁹⁷Muhammad Haydarmirzo. TarixiRashidiy. Toshkent: “Sharq” tahririyati, 2010. 309-b

⁹⁸O`shaasar. 250-b

⁹⁹Қуроноф Д. Ва бошқалар. Адабиётшунослик луғати. Тошкент: Акдем нашр, 2010. Б.358.

юритилган. Элегиянинг ватани Кичик Осиёдаги Фрегия вилояти бўлган. Жанрнинг номи шу ернинг халқи тилидаги “элегн” – (“камиш”) сўзидан олинган бўлиб, бу тоифа асарлар ушбу ўсимликдан ясалган мусика асбоби – флейта (най) жўрлигида ижро этилади”¹⁰⁰. Кўринадики, юқоридаги иккита таъриф ҳам бир бирин тўлдиради. Яъни най жўрлигида куйланганлиги ва маҳзун руҳи нуқтаи назаридан жанр таърифлари мос келади. **Дастлаб элегиянинг мавзу доираси жуда ҳам кенг бўлган.** Унда ватанпарварлик, инсонпарварлик, фуқаролик, қаҳрамонлик каби мавзулар ифодаланган. Кейинчалик элегиянинг мавзу доираси торайиб, фақат шахсий кечинмалар билан чегараланиб олди. Янги давр Европа адабиётида элегия ўзининг анъанавий шаклини йўқотса ҳам, бироқ мавзуси жиҳатидан бир даража қ атьийлашди. Элегияда **фалсафий ўйлар, оғир изтироб ва қ айғу баён қилинадиган бўлди.** Ҳозирги замон адабиётшунослик илмида ҳазин туйғуларни ифода этувчи шеърий асарлар шу ном билан юритилади. Элегияни бу маънода тушуниш қадимги юнонлар учун тамомила бегона. Элегик асарларда улар аксинча рухий тетиклик кайфиятларини, ботирлик ғояларини, жанговор хисларни талкин этганлар.

Элегия қайғули шеър бўлиб, унда маҳзун рух устуворлик қилади. Ушбу шеър шакли юнон адабиётида XVIII аср атрофида пайдо бўлган. Милoddан аввал бу жанр най ҳамроҳлигида куйланадиган шеър кўринишида бўлган. Чунки най оҳангида маҳзунлик, ўзига хос мунг бор. Шунга кўра элегия “элегияс дистич” деб номланган.

Француз шеърияти тарихига назар солсак, дунё шеъриятида шаклланиб, такомил топган бу жанр намуналари кўпчиликни ташкил этади. Жумладан, Алфонсе де Ламартин, Александр Сумэ каби шоирлар бу соҳада катта муваффақиятга эришганлар. Жумладан, Александр Сумэ (1788-1845) шоир ва драматург сифатида машҳур бўлган. У 1824 йилда Француз Академияси аъзолиққа қабул қилинган. У элегия жанрида самарали қалам тебратган. «Слйтемнестре», «Саул» (1822), «Слэопâtre» (1824), «Уне фёте де Нерон» (1830) каби трагедия ва элегиялари опера ва театр сахналарида намойиш этилди. Булар орасида шоирнинг «Ла паувре филле» (1814) элегияси алоҳида ажралиб туради.

Ўзбек адабиётида эса элегияга шаклан ва мазмунан мувофиқ келадиган жанр марсиядир. Марсия арабча сўз бўлиб, йиғламоқ, аза тутмоқ, ачинмоқ деган маъноларни билдиради. Биро кишининг вафоти муносабати билан, унинг фазилатларини эътироф этиш, вафотидан афсусланиш мазмунида ёзиладиган лирик шеър¹⁰¹. Бу жанр генезиси, аввало, халқ оғзаки ижодига бориб туташади. М.Қошғарийнинг “Девону луғотит-турк” асаридаги “Алп Эр Тўнга марсияси” бунинг ёрқин далилидир. Халқ қаҳрамони, жасур Алп Эр

¹⁰⁰ O'rayeva D., Quvvatova D. Jahon adabiyoti atamalarining izohli lug'ati. –Toshkent: Turon zamin ziyo, 2015. – B.34

¹⁰¹ Қуронов Д. Ва бошқалар. Адабиётшунослик луғати. –Тoшкент: Академ нашр, 2010. –Б .161.

Тўнга вафоти муносабати билан ёзилган бу марсия халқ оғзаки ижодида маҳзун руҳдаги шеърлар ёзилганлигини асослаб туради.

Марсия, айтиш мумкинки, ўзбек шеърлятида ҳам ўзига хос тадрижий йўлни босиб ўтди. Ўзбек мумтоз шеърлятида бу жанрдаги асарлар кўпрок машхур шахслар, ҳукмдорлар, амалдорлар, устозлар вафоти муносабати билан ёзилган. Жумладан, Алишер Навоийнинг устози Абдурахмон Жомийнинг вафоти муносабати билан, Нодиранинг турмуш ўртоғи Амирий вафоти муносабати билан муашшар шаклида ёзилган “Фирокнома” асарлари фикримизга ўркин далилдир. Замоनावий ўзбек адабиётида эса М.Шайхзода, Зулфия, Миртемир, А.Орипов, Р.Парфи каби шоирларнинг бу жанрдаги асарлари машхур.

Кўринадики, жаҳон шеърляти тизимида олсак, марсия ва элегия мазмун жиҳатдан бир қаторда турувчи жанрлардир. Европа шеърлятида элегия вази билан боғлиқ қатъий қарашлар бор. Марсия эса шакл жиҳатидан ўзининг қатъий қонунларига эга эмас. Яъни у шеърлий шаклни бошқа лирик жанрлардан, масалан, ғазал, рубоий, муашшар қабилардан “ижара”га олиб туради. Мисол учун, Увайсийнинг “Соғиндим” радибли шеъри фарзанди вафоти муносабати билан ёзилган марсия бўлиб, ғазал шаклида қофияланган. Умуман олганда, марсия ва элегия жанрлари типологик ўхшашликларга эга. Бу ўхшашликлар жаҳон, француз ва ўзбек шеърлятида марсия-элегия тизимида таджикотлар олиб бориш зарурлигини кўрсатиб туради.

TURIZMGA OID ATAMALAR SOHASIDAGI QIYOSIY- CHOG'ISHTIRMA TADQIQOTLAR.

Norova M.F.(BuxDU magistranti)

Annotatsiya: *Ushbu maqolada "atama" tushunchasi, atamashunoslikning qiyosiy chog'ishtirma usuldagi ahamiyati, qiyosiy metod tillarning tipologiyasini o'rganishdagi xususiyatlari, "Larousse" lug'atidagi frantsuzcha atamalar izohi, turizm sohasidagi xalqaro atamalar izohi, olinma so'zlarning tahlili haqida ma'lumot berilgan.*

Kalit so'zlar: *Izohli terminologik lug'at, qiyosiy metod, frantsuz entsiklopedik lug'ati, qiyosiy tipologik tahlil.*

Hozirgi kunda tilshunoslikning barcha sohalarida tillarni nazariy va amaliy qiyosiy tavsiflashga bo'lgan qiziqish ortib bormoqda. Turli tillardagi adabiyotlar asosida mualliflar ilmiy matnlarning o'ziga xos xususiyatlarini, atamalarning tuzilishi va shakllanish usullarini muvofiqlashtirish va terminologiyani tartibga solish masalalarini o'rganmoqdalar. В.Н. Ярцева, Б.Н. Головин, В.Г. Гак, Н.Б. Мечковскаякabi tilshunos olimlar o'zlarining qiyosiy – tipologik tadqiqotlarida leksik tipologiyani yaratish zarurligini ta'kidladi va o'zlarining tadqiqotlarini turli tillardagi leksik tizimlarning tipologik o'xshashliklari va farqlarini o'rganishga